

## Тиббиёт бошқармасининг асосий вазифалари

1. Шахсий таркибнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

тузилмаларда санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш;

тиббий тузилмаларнинг касбий тайёргарлигини ташкил этиш;

тиббиёт бошқармасининг жанговар ва сафарбарлик куч ва воситаларининг шайлигини таъминлаш;

тиббиёт бошқармаси шахсий таркибининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

тузилмаларни дори воситалари ва тиббий асбоб-анжомлар билан таъминлаш;

шахсий таркибнинг ҳарбий-тиббий тайёргарлигини ташкил этиш;

шахсий таркиб ўртасида соғлом турмуш тарзи ва гигиеник билимларни тарғиб қилиш;

табiiй офатлар ва техноген авариялар оқибатларини бартараф этишда қатнашиш;

тиббий таъминот муаммоларини илмий ишлаб чиқиш.

2. Тиббий таъминот ўз ичига санитария-гигиена, эпидемияга қарши, даволаш-профилактик, реабилитация тадбирларини ўтказиш, дори воситалари ва тиббий маҳсулотлар билан таъминлаш, ҳарбий тиббиёт муаммоларини илмий ишлаб чиқиш, шунингдек, вазирлик ҳудудий бошқармалари ва таркибий тузилмалар тиббиёт хизматининг жанговар ва сафарбарлик тайёргарлигини тайёрлаш.

3. Санитария-гигиена тадбирлари ҳарбий хизмат ва кундалик ҳаёт учун қулай шароитларни таъминлаш, шахсий таркиб соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, уларнинг юқори иш ва жанговар самарадорлигини сақлаш ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва тузилмаларнинг кундалик фаолият вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишда раҳбариятга ёрдам беришга қаратилган.

Санитария-гигиена тадбирларининг мазмуни санитария меъёрлари, қоидалари ва гигиена стандартлари билан белгиланади.

4. Барча ҳудудий бошқарма ва таркибий тузилмаларнинг бошлиқлари ва масъул ходимлари таъминлаш учун мажбур:

тасдиқланган тиббий-биологик, санитария меъёрлари, қоидалари ва гигиена стандартларига риоя қилиш;

юқумли, паразитар, касб ва бошқа касалликларнинг, шунингдек захарланишнинг олдини олиш ва йўқ қилиш бўйича ташкилий ва маҳсус тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш;

ҳарбий хизматчилар ва ёнғин-қутқарув гуруҳларини қутқарувчи томонидан дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш;

санитария кузатуви ва назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларга санитария-гигиена ҳамда эпидемия ҳолати тўғрисида ишончли ва тўлиқ маълумотларни тақдим этиш.

5. Худудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларда эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш тегишли Тиббий хизмат (пункт) бошлик (мутахассис)ларига юклатилган.

Барча худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар бошлиқлари, масъул шахсларнинг эпидемияга қарши тадбирларни ўтказиш бўйича вазифалари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларнинг низомлари, қўлланма ва кўрсатмалар билан тартибга солинади.

6. Даволаш-профилактика чоралари – бу ҳарбий хизматчиларнинг соғлиғини сақлаш ва яхшилаш, уларнинг юқори жанговар самарадорлигини таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш ва камайтириш, касаллик ва ўлим сабабли ҳарбий хизматдан бўшатиш, шунингдек касал ҳарбий хизматчиларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш, уларнинг соғлиғини тезда тиклаш бўйича чора-тадбирлар мажмуидир.

7. Даволаш ва профилактика чоралари Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Ички хизмат низоми ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

8. Даволаш ва профилактика чораларига қуйидагилар киради:  
ҳарбий хизматчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш;  
касал ҳарбий хизматчиларга зарур тиббий (шу жумладан, стоматологик) ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш, уларни амбулатория ва стационар шароитда даволаш;

ҳарбий хизматчиларни протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминлаш;

шахсий таркибни тиббий реабилитациясини ташкил этиш;

ҳарбий хизматчиларнинг санаторияда даволанишини ташкил қилиш;

донорлик ишини ташкил қилиш.

9. Тиббий реабилитация – бу реабилитация турларидан бири бўлиб, у изчил ва кетма-кет терапевтик ва профилактик чоралар кўриш, ҳарбий хизматчи ва қутқарувчиларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касаллик ёки жароҳат сабабли соғлиғини йўқотган ҳарбий хизматчи ва қутқарувчиларнинг саломатлигини ва меҳнатга лаёқатини тиклаш. Тиббий реабилитация психологик, жисмоний, касбий ва ижтимоий реабилитация билан бирга олиб борилади.

10. Дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тиббий таъминотнинг бир қисми бўлиб, вазирлик тиббий муассаса(пункт)ларини ўз вақтида тиббий асбоб-анжомларга, даволаш-профилактика, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши чоралар, шунингдек шахсий таркибнинг тиббий тайёргарлиги ва санатор-курорт даволаниш ишларини ўтказиш учун мавжуд эҳтиёжларини қондириш бўйича мажмуавий тадбирларни ўтказишдир.